2017 ЙИЛ 3 НОЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

*Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган*

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 219 (13.552)

*Баҳоси эркин нархда*


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган ва МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этадиган Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.**

Суҳбат чоғида жорий йилнинг апрель ойида Москва шаҳрида ўтган олий даражадаги музокаралар, икки мамлакат раҳбарларининг учрашувлари, жумладан, октябрь ойида МДҲнинг Сочи саммити доирасидаги мулоқоти стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга кучли суръат бағишлагани, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди.

Кўп қиррали Ўзбекистон – Россия муносабатларини янада кенгайтириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма кооперация лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Россия Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг эзгу тилакларини етказди.

Мамлакатларимиз шериклик муносабатлари ва ўзаро амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлиги таъкидланди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТУРКМАНИСТОН ҲУКУМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь куни МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Бакитжан Сагинтаев, Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков ва Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.**

Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода билан учрашувда конструктив ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги анъанавий яқин дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун ҳукуматлараро комиссия салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Қозоғистон Бош вазири Бакитжан Сагинтаев билан учрашувда олий даражадаги ўзаро ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни изчил амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо, инвестиция, энергетика, транспорт ва бошқа устувор йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди. Икки давлат ҳудудлари ўртасидаги ва ишбилармон доиралари даражасидаги фаол алоқаларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Беларусь Бош вазири Андрей Кобяков билан учрашувда Ўзбекистон – Беларусь муносабатлари ривожидаги ижобий суръат мамнуният билан қайд этилди.

Қисқа вақт мобайнида машинасозлик соҳаси, агросаноат мажмуаси, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳалар амалга оширилди.

Томонлар ҳамкорликнинг мавжуд салмоқли салоҳиятини, аввалambор, иқтисодиётнинг реал секторидаги кооперация имкониятларини тўла ишга солишдан манфаатдор экани қайд этилди.

Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев билан учрашув чоғида Туркманистонга олий даражадаги ташрифлар ва давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари Ўзбекистон – Туркманистон муносабатларини стратегик шериклик босқичига кўтаргани таъкидланди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорлик, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги кооперацияни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Тожикистон, Қозоғистон, Беларусь ва Туркманистон ҳукуматлари раҳбарлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва ўз давлатлари раҳбарларининг эзгу тилакларини етказди.

**ЎзА**

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

**Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 2 ноябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ва Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Д.Медведев Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ва бошқа қатор ҳужжатлар асосида янги босқичга чиқди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил апрель ойида Россияга давлат ташрифи, октябрь ойида Сочи шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашуви ўзаро муносабатларни аниқ амалий мазмун билан бойитгани қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар вазирлик ва идоралар йўналишида ҳам ривожланиб бормоқда. Кейинги ярим йилда ҳукуматлараро даражада йигирмага яқин ташрифлар амалга оширилди. Бу савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама манфаатли алоқаларни янада фаоллаштириш учун кенг имкониятлар очди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар, айниқса, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, саноат кооперацияси соҳаларида жадаллашгани қайд этилди.

Икки мамлакат ҳукуматлари расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари, вазирлик ва компаниялари ўртасида ўндан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, нефтни қайта ишлаш, банк-молия, инвестиция, савдо, саноат, автомобилсозлик, илм-фан, ташқи миграция ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир қатор меморандум ва битимлар қабул қилинди.

Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

**Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 3 ноябрь куни 25 йил тўлиши муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.**

Латвия Президенти Раймондс Вейониснинг табрик мактубида бундай дейилади: "Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги энг яқин ҳамкорларимиздан бири ҳисобланади. Сўнгги 25 йил ичида фаол амалга оширилган олий сиёсий даражадаги ташрифлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро англашув ва дўстликдан далолатдир".

"Фурсатдан фойдаланиб, Латвия Сиз Жаноби Олийлари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли давлат ислоҳотлари дастурини қўллаб-қувватлашини билдиришга ижозат бергайсиз, – дейилади Латвия раҳбарининг мактубида. – Ишонаманки, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт ва бошқарув соҳаларини модернизация қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг улкан ривожланиш салоҳиятини юзага чиқаради".

Раймондс Вейонис Латвия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига қатъий ишонч билдирган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз мактубида "тарихан қисқа даврда давлатларимиз ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқалари, юксак даражадаги ўзаро англашув ва ишончга асосланган шериклик шаклланди. Ҳамкорликнинг барча йўналишларида жадал ва самарали мулоқот ривожланиб бормоқда", деб таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбари "сиёсий, савдо-иқтисодий, инновацион, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли, икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш тарафдоримиз", деб қайд этган ҳамда Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан бундан буён ҳам янада мустаҳкамланишига ишонч билдирган.

**ЎзА**

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилнинг тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Депутатларнинг фикрича, ҳисобот даврида муҳим масала – харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинган, барча даражадаги бюджетлар мутаносиблиги таъминланган. Саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг жадал ривожлантирилиши ҳисобига 2017 йил якуни билан 15 туман субвенцион ҳудудлар сафидан чиқиши ҳамда қолган субвенцион туманларда субвенция улуши мамлакатимиз бўйича 11 фоизга камайишига эришиш кутилмоқда.

– Кейинги йилларда валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Адҳам Шодмонов. – Бугунги кунда юртимизда миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлашнинг янги механизмларини жорий этиш долзарб вазифадир. Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилишни, валюта сиёсатини либераллаштиришни, шунингдек, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо Фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратилишини таъминламоқда.

Йиғилишда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги давлат бюджетининг айрим муҳим параметрлари ижросига алоҳида тўхталиб, солиқлар ва йиғимларни тўлиқ таъминлаш, ҳудудларда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, ишламаётган, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш эвазига солиққа тортиладиган базани кенгайтириш, шунинг ҳисобидан маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарадорлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилган ишларни конструктив таҳлил қилди.

Қайд этилганидек, 9 ойда 20 мингдан ортиқ янги лойиҳа амалга оширилган. 1 минг 863 корхона молиявий соғломлаштирилган, 566 давлат мулки хусусийлаштирилиб, ўз эгаларига топширилган, солиқ тўловчилар тўлиқ қамраб олиниши ва боқиманда қарздорликнинг ундирилиши ҳисобига 579,8 миллиард сўм бюджетга қўшимча даромад тушуми таъминланган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида қариялар, ногиронлар ва кичик ёшдаги болаларни соғломлаштиришга, ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлинмалари ва реабилитация марказларига 125,7 миллиард сўм сарфланган.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар вакилларининг ахборотлари тингланди.

**Н.НАСРИЕВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Бухоро вилояти Когон туманида маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш заводининг дастлабки саралаш корхонаси иш бошлади.**

**• Андижон шаҳридаги собиқ "Электродвигатель" очиқ акциядорлик жамияти ҳудудида ташкил этилган кичик саноат зонасида 21 корхона фаолияти йўлга қўйилди.**

**• Қорақалпоғистон Республикасида "Маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари" мавзуида ўқув-семинарлар ўтказилди.**

**• Фарғона вилоятининг Кўштепа туманидаги "Кўштепа ипак гиламлари" Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси маҳсулотлари қисқа фурсат ичида ички ва ташқи бозорда ўз харидорини топди. Ўтган йили иш бошлаган қўшма корхонада 1 миллиард 800 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-реконструкция ишлари бажарилиб, адрас, атлас, ипак гиламлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

**• Нукус шаҳрида йирик саноат корхонаси – "Roodell recovery" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Йилига 146 минг тонна чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга мазкур корхонага замонавий дастгоҳлар ўрнатилди, 100 га яқин иш ўрни яратилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Мексикада энергетика соҳасини такомиллаштириш учун 80 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилади.**

**• Ироқ нефть ишлаб чиқаришни 50 фоиз оширишга тайёр. Бу ҳақда "Basra Oil Company" компанияси томонидан маълум қилинди.**

**• Гонконг университети олимлари фикрича, камида олти ой мобайнида аспиринни кичик дозаларда истеъмол қилиб туриш саратон хавфини сезиларли даражада камайтираркан.**

# Ҳудудларни ривожлантириш – фаровонлик омили

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг апрель ойида Чилонзор туманига ташрифи чоғида бир қатор маҳаллаларда бўлди, кўп қаватли уйлар аҳволи, кичик саноат зонасида йўлга қўйилаётган қатор иқтисодий лойиҳалар билан танишиб, ўзининг қимматли маслаҳатларини берган эди.***





Мана, орадан олти ойча вақт ўтди.

Бугун "Катта Хирмонтепа" маҳалласига борган киши бу ердаги улкан қурилиш, ободончилик, таъмирлаш ишларини кўриб, бахри-дили очилади. Маълумот сифатида айтиш жоизки, "Катта Хирмонтепа" маҳалласи 24 гектар жойни эгаллайди. 28 та кўп қаватли уйлар мавжуд. 1 та бошқарув компанияси, 8 та ХУЖМШ иш олиб боради.

– 12 апрелда Президентимиз маҳалламизга келиб аҳоли яшаш шароитлари билан танишди, – дейди "Катта Хирмонтепа" МФЙ раиси Бахтиёр Ҳусанов, – ўшанда анча муаммолар мавжуд эди. Тез орада "Катта Хирмонтепа"ни намунали маҳаллага айлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Кўп қаватли уйларнинг фасадлари бўялди. Йўлаклар таъмирланди, бетон қопламалари ётқизилди. Болажонлар учун спорт тренажёрлари қурилди. Шинам шийпончалар ташкил қилинди.

20-мавзе, 17-уй, 30-хонадонда яшовчи Шоира Абриева ҳам амалга оширилган ишлардан аҳоли мамнун эканлигини билдирди.

"Ором коммуналчи" ХУЖМШ 8 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Унинг раҳбари Холида Баратованинг айтишича, тижорат банкидан олинган кредит асосида бетон қопламалари ётқизилди. Йўлаклар таъмирланди, фрамугалар алмашди. Том, ертўладаги муаммолар бартараф этилди. Видеокузатув камералари ўрнатилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Чилонзор туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жумладан, тумандаги собиқ "Реле ва автоматика" АЖ ҳудудида ташкил этилган кичик саноат зонасида импорт ўрнини босувчи 19,9 млрд. сўмлик 10 та саноат лойиҳалари амалга оширилмоқда. Унинг 5,8 млрд. сўмлик қисми тижорат банклари кредитлари ёрдамида рўёбга чиқади. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 635 та янги иш ўринлари ташкил этилади.

Масалан, 1122 кв.м ишлаб чиқариш майдонида "Flatnit textile" МЧЖ томонидан 3,9 млрд. сўмлик ўз маблағи эвазига замонавий тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Натижада 30 га яқин киши иш билан таъминланди.

Яқиндагина коллежни битирган Яшнарой Раҳимова ушбу корхонага тикувчи бўлиб ишга кирди. Айни пайтда устозларидан касб сирларини ўрганмоқда. Хитойдан ва Туркиядан келтирилган замонавий технологиялар фаолиятини ўз ишининг устаси Исроил Ҳасанов назорат қилиб боради. Корхонада йил охиригача ишчилар сонини 50 нафарга етказиш устида иш олиб борилмоқда.

Яна бир корхона – "Best pipe" МЧЖ томонидан телекоммуникация кабеллари учун полиэтилен қувурлар, оптик толали кабелларни улаш муфталарини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Ушбу лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 28 та янги иш ўрни пайдо бўлади.

Умуман олганда, Чилонзор туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 679,3 млрд. сўмлик 201 та саноат ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар асосида 4408 та янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Чунончи, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида 109 та лойиҳа, хизмат кўрсатишда 92 та лойиҳа киритилган. Дастур доирасида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 100 та лойиҳа амалга оширилиб, 1324 та янги иш ўринлари яратилди.

Туманда хориж сармоясини жалб қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда 6 та хорижий корхона фаолиятини модернизация ва кенгайтириш учун 2,7 млн. доллар миқдорида инвестиция киритилиб, 347 та янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда 4 та сектор фаолият юритмоқда.

Туманда 51 та маҳалла, 1050 та кўп қаватли уй, 61 минг 461 та хонадон ва 8857 та якка тартибдаги уйларда бугун турли миллатга мансуб 250 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. 32 та мактаб, 50 та мактабгача таълим муассасаси, 7 та оилавий поликлиника, 8 та шифохона ишлаб турибди.

Бугун Чилонзордаги 4 та секторнинг барчасида махсус штаб тузилиб, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, мебель жиҳозлари билан таъминланган. Узлуксиз навбатчилик жорий қилинган. Барча секторларда уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар ўтказиш жадвали тасдиқланиб, сектор аъзоларининг қайси маҳалла ва объектларга бориши белгиланган. Бунинг натижасида мавжуд реал вазият ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда, муаммолар ҳар бир соҳа ва йўналиш бўйича махсус дафтарларга доимий қайд қилиб борилмоқда.

Хусусан, туманнинг 4 та секторидаги маҳаллаларда жами 70 минг 318 хонадон мавжуд бўлса, шундан 50 минг 647 та хонадон ўрганилди. Ўрганилган хонадонларда фуқаролар томонидан 8611 та турли муаммолар юзасидан мурожаатлар келиб тушди.

Жумладан фуқаролардан уй-жойга эҳтиёж мавжудлиги бўйича ёрдам сўраб – 1184 та, кўп қаватли уй-жойларнинг кириш йўлаклари ва томларини таъмирлаш борасида – 900 та, коммунал тўловларни тўлашда ёрдам сўраб – 245 та, кўп қаватли уйлар олдида болалар майдончаларини ташкил этиш бўйича – 298 та, моддий ёрдам кўрсатилиши борасида – 598 та, ногиронлик аравачасини олишда кўмак сўраб – 12 та, ишга жойлаштириш юзасидан – 422 та, йўлларни таъмирлаш бўйича – 134 та ва бошқа масалалар юзасидан – 2772 та мурожаат бўлган.

## СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИ:
## МУАММОЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛСА, АҲОЛИ РОЗИ БЎЛАДИ

1-сектор штаби Дийдор кўчаси, 71а-уйда жойлашган бўлиб, унга туман ҳокими Даврон Ҳидоятов раҳбарлик қилади. Бу ерда юқорида айтилганидек, барча зарур шароитлар яратилган.

"Шарқ" маҳалласини айланамиз. Маҳалла идорасида пенсионерларга "Халқ банки"нинг Чилонзор филиали томонидан пенсия пули берилаётган экан.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Худайбергановнинг айтишича, ҳудуддаги 19 та кўп қаватли уйга 4 та ширкат хизмат кўрсатади. Маҳаллада 4293 киши истиқомат қилади. Яқинда сектор аъзолари томонидан хонадонларда ўрганишлар олиб борилди. Мавжуд 1174 та хонадон аҳиллари томонидан асосан коммунал соҳа, тиббиёт, тадбиркорлик, ишга жойлаштириш масалалари кўтарилган. Бу масалаларнинг ечимини топиш учун сектор аъзолари томонидан ҳисобга олинди.

"Иброҳим шарқ" ХУЖМШ раҳбари Муслим Муродовнинг изоҳ беришича, "Халқ банки" Чилонзор филиалидан 300 млн. сўм кредит олиб, 170 млн. сўм маблағга замонавий ойналар ўрнатилди, том ёпилди, кириш йўлаклари усти – тарновлар таъмирланди. 11-уйнинг ертўласи замонавий пластмасса қувурларга алмаштирилди. Ширкатда диспетчер хизмати ишлаб турибди, аҳолидан мурожаатлар ёзиб олинади ва жойига чиқиб ҳал қилинади.

Туманнинг "Тирсакобод" ҳамда "Бешқўрғон" маҳаллаларида талай муаммолар тўпланиб қолган. Аҳолининг айтишича, уларга мактабгача таълим муассасаси керак. Йўл тирбанд бўлгани учун "Дўмбиробод" маҳалласи томонидаги мактабгача таълим муассасасига ўтиш қийинчилик туғдирмоқда.

– Иккита неварам "Дўмбиробод"даги мактабгача таълим муассасасига боради, – дейди 4-уйда яшовчи Маъмура Ҳакимова. – Мактабгача таълим муассасаси кўчанинг нариги бетида бўлгани учун ўтиш жуда қийин. Иложи бўлса, ўзимизнинг маҳалла ҳудудида қурилса кўнгилдаги иш бўларди.

– Дилбар Жўраева бўламан, – дейди 4-уй, 18-хонадонда яшовчи фуқаро, – ҳақиқатан йўлдан ўтиш муаммо. Ёнимизда қурилиш бозори бор. Икки томон машинага тўлиб кетади. Светофор қўйилмаган, пиёдалар учун ўтиш йўли қилинмаган. Бундан ташқари яқин атрофда яшовчи аҳоли учун дорихона ҳам керак. Дори-дармон излаб сарсон бўламиз.

Бу масалага Чилонзор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Шаҳло Сиддиқхўжаева қуйидагича изоҳ берди:

– "Тирсакобод" маҳалласи ҳудудидаги махсус мактабгача таълим муассасаси яқинда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфига ўтди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 августдаги 578-сонли қарорига кўра, мазкур масала 2019 йил режага киритилган. У ерда 80 ўринли мактабгача таълим муассасаси бўлади.

"Бешқўрғон" маҳалласида 9 минг 500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Мингдан ортиқ хонадонлар, 2 мингдан ортиқ оила рўйхатга олинган. Бу маҳалла фуқароларини ҳам мактабгача таълим муассасалари ҳам, мактаб масаласи қийнайди.

– "Бешқўрғон" маҳалласидаги 36-уйда яшайман, – дея суҳбатга қўшилади Мавжуда Розиқова, – 1997 йилдан бери маҳалла фаолиман. Мактаб, мактабгача таълим муассасаси масаласида бормаган жойимиз қолмади. Ҳалиям натижа йўқ...

– "Бешқўрғон" маҳалласида 2019 йили 240 ўринли мактабгача таълим муассасаси қуриш режалаштирилган, – изоҳ беради Чилонзор тумани ХТМФМТТЭБ мудири Ш. Сиддиқхўжаева. – Бунинг учун давлатимиз бюджетидан тегишли маблағ ажратилган. Дастурга киритилган.

2-секторни туман прокурори Абдуҳамид Камилов бошқаради. Сектор штаби Чилонзор 1-даҳа, 66-сонли ихтисослаштирилган мактаб биносида жойлашган.

– 2-секторга кирувчи 11 та маҳаллада масъул шахслар томонидан 11 минг 333 та хонадонлар ўрганиб чиқилди, – дейди сектор раҳбари. – Ушбу жараёндаги аҳоли мурожаатларининг 137 таси жойида ишчи гуруҳ томонидан ҳал этилган. 875 таси ижрога қабул қилиниб, улар ҳозирда ҳал этиш жараёнида. Фуқаролар томонидан қўйилган 42 та муаммо "йўл харитаси" дастурига киритилди.

Ўрганишлар жараёнида Чилонзор 3-мавзе, 23-уй, 19-хонадонда яшовчи 1958 йилда туғилган фуқаро А.Хабибулина, 1-мавзе, 18-уй, 17-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Н. Кузубовага, 3-мавзе, 5-уй, 52-хонадонда яшовчи Мактуба Мирсагатовага амалий ёрдам берилди.

– Сектор фаолиятидан хурсандман, – дейди 71 ёшли Мактуба Мирсагатова. – Биз каби ногиронларга эътибор қаратилаётгани учун давлатимиздан миннатдорман.

3 ва 4-мавзега қарашли кўп қаватли уйларни анҳор канали ажратиб туради. 4-мавзеда кўп қаватли уйлар, 3-мавзеда спорт мажмуаси жойлашган. Бу канал қаровсиз аҳволда. Ушбу масала ҳам ўз ечимини кутмоқда.

– 54 йилдан бери 4-мавзе, 15-уй, 48- хонадонда яшайман, – дейди Нелья Гараева, – мавземиз ҳолати қониқарсиз. Йўллар асфальт қилинмаган, болалар майдончаси йўқ. Мана кўриб турибсизлар, анҳор каналидан ўтувчи кўприк талабга жавоб бермайди. Ёмғир, қор ёққанида юриш қийинлашади.

Мутасаддиларнинг изоҳ беришича, бу масала "йўл харитаси"га киритилиб, тегишли ташкилотларга юборилди.

Чилонзор тумани, 8-даҳа, 8а-уй манзилида жойлашган 3-секторга туман ИИБ раҳбари Шерзод Мавлонов раҳбарлик қилади.

Секторга кирувчи маҳаллалардаги 11 минг 251 та хонадон ўрганилган. Фуқаролар томонидан 2538 та турли мурожаатлар бўлган. Натижа шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролар уй-жой, ички йўлларни таъмирлаш, моддий ёрдам, болалар майдончалари қуриб бериш ва бошқа масалалар бўйича мурожаат қилишган. Масалан, уй-жойга эҳтиёж мавжудлиги бўйича ёрдам сўраб – 262 фуқаро, кўп қаватли уй-жойларнинг кириш йўлаклари ва томларини таъмирлашни сўраб – 619 та фуқаро, ички йўлларни таъмирлашни сўраб – 69 нафар фуқаро муаммо кўтарган.

Ўрганишда аниқланган ҳолатларнинг 529 таси жойида ҳал этилган, 1830 таси ижрога қабул қилинган, 179 таси дастурга киритилган.

Аҳоли томонидан "Нафосат" маҳалласи, 8-мавзе, 6-уй олдидаги эски бино авария ҳолатига келиб қолганлиги, 8-мавзедаги ички йўллар таъмирга муҳтож эканлиги маълум қилинган. Бу каби йирик масалалар назоратга олинган.

"Нафосат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоназар Одамбоевнинг айтишича, ҳудудда 55 та кўп қаватли уйларга 12 та ХУЖМШ хизмат кўрсатади. Бу ерда 8337 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уйма-уй юрилганда бир қатор муаммолар аниқланди. Асосан, ички кўчаларни таъмирлаш, қуриган дарахтларни олиб ташлаш, кўп қаватли уйларнинг фасадларини янгилаш масалалари кўтарилди.

46-уйга "Максим сервис" ХУЖМШ хизмат кўрсатади. Яқинда ширкат ва сектор аъзолари ҳамкорлигида болалар майдончаси барпо этилди. Кўпгина ҳолларда яшовчиларнинг ташаббуси билан йўлаклар таъмирланаяпти, автотураргоҳлар созланяпти. Бу албатта, яхши. Қачон давлат қилиб беракан, деб кутиб ўтирмасдан аҳолининг ўзи ҳаракат қилса, қандай соз!

Чилонзор туманидаги 4-секторга туман давлат солиқ инспекцияси раҳбари Оловиддин Иноғомов раҳбарлик қилади. Бу секторга 14 та маҳалла қарайди, 248 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларга 4 та бошқарув компанияси, 71 ХУЖМШ хизмат кўрсатади.

Сектор раҳбари ишни маҳалладаги кўп қаватли уйларнинг хонадонларига бирма-бир кириб, муаммоларни ўрганишдан бошлади.

Секторга кирувчи маҳаллалардаги 12 минг 371 та хонадонлар ўрганилди. Ўрганилган хонадонларда яшовчи фуқаролар томонидан 1511 та турли мурожаатлар бўлди.

– Бу мурожаатлар асосан уй-жойга эҳтиёжлик масаласи, кириш йўлакларини ва томларни таъмирлаш, ички йўлларни тартибга келтириш, ишга жойлаштириш, кўп қаватли уйларнинг газ ва иссиқлик қувурларини янгилаш ва ижтимоий соҳа билан боғлиқ масалаларни қамраб олган, – дейди биз билан суҳбатда сектор раҳбари О. Иноғомов. – Мазкур мурожаатларнинг 275 таси жойида ҳал этилди, 1212 таси ижрога қабул қилинди.

Фуқароларга ёрдам масаласида айтганда, "Яккабоғ" маҳалласи, 1 тор кўча, 11-уйда яшовчи фуқаро Гулбаҳор Содиқовага "2-Қатортол" маҳалласи, 2-Ҳосилот кўчаси, 66-уйда истиқомат қилувчи 1-гуруҳ ногирони Рустам Йўлдошевга ёрдам кўрсатилди.

Ўрганишлар давомида аниқланган Новза Қозиробод кўчаси, 4-уйининг авария ҳолатида эканлиги, "Наққошлик" маҳалласида мактабгача таълим муассасасини қуриш бўйича мурожаатлар режага киритилди.

"Яккатут" маҳалласи "Катта Хирмонтепа" маҳалласи билан ёнма-ён жойлашган. Айни пайтда бу ерда "Намунали маҳалла" дастури доирасида амалга оширилган ободончилик билан боғлиқ ишлар ниҳоясига етмоқда.

– Маҳалламизда ободончилик ишларига эътибор берилгани ҳолда кўп қаватли уйларнинг фасад қисми бўялди, томдаги ва ертўладаги муаммоларга аҳамият қаратилди, – дейди "Яккатут" маҳалласи оқсоқоли Нодирбек Рўзметов. – Бундан ташқари йўлаклар таъмирдан чиқарилди, тарновлар созланди, кириш йўлаклари олдига бетон қопламалари ётқизилди. Кузатув камералари ва домофонлар ўрнатилди. Болалар майдончалари қуриб берилди. Кўкаламзорлаштириш мақсадида газон экиш учун жойлар тайёрланди. Маҳалламизга баҳорда келсангиз, бу жойлар кўм-кўк бўлиб, янада чиройли қиёфа касб этади.

16-мавзедаги "Заркўрғон" маҳалласидаги 20-уй ёнида намунали маҳалла маркази қурилмоқда. Илгари юриш қийин бўлиб қолган Ботирма кўчаси таъмирлаб берилди. "Дўмбиробод" маҳалласига олиб борувчи кўча ҳам тўлиқ асфальтланди. Бундан аҳоли, айниқса машина бошқарувчилар ниҳоятда хурсанд.

Ҳа, жойларда секторлар фаолияти йўлга қўйилганидан бери шаҳримизда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам қўли чўзилаяпти. Бу эса халқнинг давлатдан рози бўлишини ифодалайди. Мухтасар қилиб айтганда, Президентимизнинг "Халққа хизмат қилиш, одамларнинг манфаатларини таъминлаш раҳбарлар фаолиятининг асосий мезонидир" деган сўзлари ўз амалий исботини топмоқда.

**Зокиржон ШАРИФЖОНОВ**
**Темур Комилов олган суратлар**

# ТИНЧЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

***Тинчлик, хотиржамлик, фаровон ва бахтиёр ҳаёт – энг олий неъмат. Тошкент ислом университетида ўтказилаётган фотокўргазма ҳар бир томошабиннни осойишта ва ёруғ кунларимиз, истиқлолимиз, она Ўзбекистонимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга чорлаши билан диққатга сазовордир.***

Мазкур олий таълим даргоҳининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Бадиий академия, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этган фотокўргазманинг очилишига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, турли диний конфессиялар вакиллари, олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Университет ректори Р.Абдуллаев, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Мусулмонлар идораси раиси, муфтий У.Алимов ва бошқалар мамлакатимизда тинчлик, ижтимоий барқарорлик, турли миллат ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро тотувликни мустаҳкамлашга устувор масала сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида баён қилинган ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишга доир қимматли фикрлари халқаро миқёсда катта эътибор ва қизиқиш уйғотди.

"Жаҳолатга қарши маърифат" тамойили дунёда дин никоби остида зиддиятларни авж олдираётган ғаразли кучларнинг ахборот хуружига нисбатан курашишда ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ долзарб аҳамият касб этмоқда. "Диний экстремизм ва терроризмнинг мудҳиш қиёфаси" деб номланган ушбу кўргазмадан жой олган фотоасарлар ҳам биз учун энг мўътабар қадрият ва тушунчаларнинг қимматини янада теранроқ идрок этишга ундайди.

Кўргазмага Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари, ёш ижодкор рассомлар, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг мутахассис ва дизайнерлари томонидан 200 га яқин ижодий иш келиб тушган бўлса, уларнинг энг мукаммал деб топилган 50 таси экспозиция учун саралаб олинди. Эндиликда мазкур кўргазмани юртимизнинг турли ҳудудларида намойиш этиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси "Мовароуннаҳр" нашриётининг диний-маърифий адабиётлардан иборат китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**(ЎзА)**

# МАЪМУРИЙ СУД СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

***Ўзбекистон Республикаси Судьялари олий кенгаши ҳузуридаги Тадқиқот марказида маъмурий судлар судьялари учун семинар-тренинг ташкил этилди.***

Видеоконференция тарзида ўтказилган тадбирда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маъмурий судлар судьялари, халқаро экспертлар гуруҳи, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот маркази директори Д.Орипов ва бошқалар мамлакатимизда суд ҳокимиятини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қодир мустақил институт сифатида ташкил этишнинг мақсадли механизмлари жорий этилганини таъкидлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мазкур йўналишдаги ишлар босқичма-босқич демократлаштирилиб, суд-ҳуқуқ соҳасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари асосида тизимдаги ислоҳотлар янги босқичга чиқди.

Ушбу фармонларга мувофиқ фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Халқаро ва миллий тажриба асосида фаолият юритаётган ушбу институт томонидан бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар, қарорлар устидан бериладиган шикоятлар, нотариус ёки ФҲДЁ органлари томонидан бажарилиши рад этилган ёхуд уларни нотўғри бажаргани устидан бериладиган шикоятлар, прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси, ваколатли органнинг жисмоний ва юридик шахслар манфаатини кўзлаб берилган аризалари, давлат ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризалар кўриб чиқилаётир.

Семинар-тренинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар ва ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш, судьяларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда Япония ва Корея Республикаси вакиллари маъмурий ҳуқуқда юридик назорат, қонунчилик процесси, маъмурий суд иш юритиши, дунё тажрибасида маъмурий судлар фаолияти, уларнинг шаклланиш босқичлари, судлов инстанцияларининг ўзига хос хусусиятлари каби мавзулардаги маърузалар билан иштирок этди.

– Ўзбекистонда суд иши юритишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, одил судловга эришишни таъминлашга қаратилган кенг кўламдаги ислоҳотлар олиб борилмоқда, – деди Нагоя университети профессори Катсуя Ичихаши (Япония). – Судьялик лавозимига тайинлаш тизими янада такомиллаштирилгани, суд-ҳуқуқ соҳасида халқаро тажриба қўлланилаётгани тизимни янада демократлаштириш имконини бермоқда. Бунда Ўзбекистоннинг кейинги беш йилдаги тараққиёт йўли белгилаб берилган Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифалар ижросининг ўз вақтида ва муваффақиятли амалга оширилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда иштирокчилар ижро ҳокимияти қонунийлиги, судлов тизими фаолияти, маъмурий қарорлар хусусиятлари ва ижроси, фуқаролар ҳуқуқий манфаатларининг қамраб олинганлик даражаси каби мавзулардаги саволларга жавоб олди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ**

## 24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

***Жорий йилнинг 24 декабрь куни сиёсий-ижтимоий ҳаётимиздаги муҳим воқеа – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.***



# ЖАРАЁНГА ТАРАДДУД

Айтиш жоизки бунда биринчи марта сиёсий партиялар билан бир қаторда маҳалла фуқаролар йиғинларидан ҳам номзодлар иштирок этади.

Шаҳримизнинг барча туманларида туман сайлов комиссиялари тузилиб, махсус бинолар, зарур шароитлар билан таъминланган. Ҳар бир туман сайлов комиссияси маълум округларга бўлиниб, уларда сайловга тайёргарлик ишлари қизғин кечмоқда. Жумладан, М.Ломоносов номли Москва давлат университетининг Тошкент филиали биносида жойлашган Тошкент шаҳар халқ депутатлари Миробод туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси учун барча шарт-шароитлар яратилган. Туман комиссияси мажлислар зали, матбуот маркази, комиссия раиси, раис ўринбосари ва котиби иш фаолияти учун алоҳида хоналар ажратилиб, улар керакли мебель жиҳозлари ва сайловга зарур бўлган барча анжомлар билан жиҳозланган. Шунингдек, туман сайлов комиссияси жойлашган бинода бўлиб ўтадиган сайловни ёритувчи ахборот стендлари, комиссия фаолияти, сайлов тўғрисидаги қонунлардан кўчирмалар мавжуд.

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир, – дейди Тошкент шаҳар халқ депутатлари Миробод туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси котиби Дилноза Расулова. – Демократик ҳуқуқий давлат қуришда сайловлар муҳим мезон ролини ўйнайди. Сайловлар демократиянинг ажралмас ва муҳим белгиси ҳисобланиб, эркин ва бевосита сайловлар орқали фуқаролар ўзи муносиб деб билган номзодларга овоз беради. Миробод туманида ҳам сайловга тайёргарлик ишлари белгиланган талаб ва меъёрлар асосида амалга ошмоқда. Мутасаддилар сайлов билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга ошириш билан бирга, фуқароларни қабул қилиб, уларнинг сайлов билан боғлиқ саволларига жавоб бермоқдалар.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

# САЙЛОВОЛДИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Турин политехника университети ҳузуридаги академик лицейда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси жорий йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тузилган штаб аъзолари учун ўқув-семинар ташкил этилди.***

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари, O`zLiDeP сайловолди штаби аъзолари иштирок этди.

Семинарда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" концепциясининг изчил йўлга қўйилиши инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, унинг орзу-истаклари, салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловга пухта тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мақсадида пойтахтнинг барча туман партия кенгашларида сайловолди штаблари ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Тадбирда сайлов жараёнида иштирок этадиган штаб аъзоларининг кузатувчилар, ваколатли вакиллар, депутатликка номзоди қўйилган вакиллар билан амалга ошириши лозим бўлган ишлар, сайловчилар билан бўладиган учрашувларга тайёргарлик кўриш вазифалари белгилаб олинди.

– Мазкур семинарда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловда партиямизнинг муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш бош масалалардан бири сифатида муҳокама қилинди, – дейди O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходими Дилором Бобожонова. – Сайловга пухта тайёргарик кўриш, ҳар томонлама муносиб, сиёсий етук, партия ғояларига содиқ инсонларнинг номзодини депутатликка кўрсатиш, сайловнинг муносиб тарзда ўтишини таъминлашга барчамиз масъулмиз.

**Гулноза БОБОЕВА**

# ҲУНАРМАНДЛАР ФЕСТИВАЛИ

***Марғилоннинг атласу адрасидан кўз қувнайди. Қўғирчоқсоз уста ишлаган мўъжаз ўйинчоқларни кўриб, ногаҳон болаликка қайтишни истаб қоласиз. Кандакорнинг нафис идишлари, миниатюрачи-рассомнинг миллий руҳда ишланган бетакрор қутилари, ундаги чизгилардан ҳайратланиб, устанинг маҳоратига тасаннолар айтасиз.***

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бўлиб ўтган "Ўзбек маданий мероси жаҳон нигоҳида" мавзуидаги фестиваль уста ва ҳунармандлар, санъатшунослар, фольклоршунос олимларни бир жойга жамлади.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг ўринбосари К.Оқилова, Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори А.Ҳайдаров, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқалар миллий анъана ва қадриятларни аслича сақлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказиш доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Юртимизда номоддий маданий меросни асраб-авайлаш, уни кенг тарғиб этишга оид кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Фольклор, ҳунармандлик, томоша санъатлари, миллий кураш ва бошқа қатор маънавий меросимиз тарихи, ривожланиш босқичларига оид китоблар нашр этилмоқда. Ранг-баранг кўргазма ва фестиваллар, ижодий танловлар, концертлар халқаро миқёсда юксак эътироф этилмоқда.

Ёғоч ўймакори Жавоҳир Рашидов Республика рассомлик коллежини тамомлаб, турли ижодий танловларда муваффақиятли қатнашган. Бойсунлик Хадича Раҳимбердиева – чеварларнинг бешинчи авлод вакили. Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги "Жайхун" қўғирчоқ театри ижрочиси Мансур Қурёзов АҚШ, Франция, Япония ва бошқа давлатларда ўтказилган кўргазма, анжуман, фестивалларда қатнашган. Мамлакатимизда ижод аҳли, ҳунармандлар учун яратилган бетимсол имкониятлар уларнинг эмин-эркин фаолияти, муваффақиятининг асосий омили бўлмоқда.

Фестиваль доирасида ўтказилган илмий-амалий анжуманда миллий ҳунармандликнинг долзарб масалалари, Наврўз байрамининг асослари, Бойсун бадиий ҳунармандлиги, Шашмақом санъатининг ёшлар тарбияси ва маънавиятидаги ўрни, аския санъати каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Уста ва ҳунармандлар ижодига оид кўргазма ташкил этилди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг фольклор жамоалари, бахши, лапар ва ўлан ижрочилари иштирокидаги концерт намойиш этилди.

**Н.УСМОНОВА**

## Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги олдидан

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида Шароф Рашидов қаламига мансуб "Икки дил достони" асари асосида саҳналаштирилган балет премьераси бўлиб ўтди.***



# ОТАШҚАЛБ АДИБНИНГ МАНГУ ДОСТОНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 мартдаги "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда халқимизнинг фидойи фарзанди, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Халқимиз бу улуғ инсонни нафақат давлат арбоби, балки Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, матонат ва ҳалолликни тараннум этган асарлар муаллифи сифатида ҳам яхши билади. Шароф Рашидовнинг "Икки дил достони" асари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Мазкур асар асосида бадиий фильмлар суратга олинган. Асар асосида озарбайжонлик бастакор А.Меликов либретто яратган.

"Икки дил достони" балетини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, балетмейстер Шавкат Турсунов саҳналаштирган. Дирижёр Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Фазлиддин Ёқубжонов. Асарда бош ролларни Нодира Ҳамроева, Дониёр Хасманов, Улуғбек Олимов, Ольга Собирова, Замир Фазлутов ижро этмоқда.

**Ш.МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ТАБИАТ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

***Бугун атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик муаммоларнинг олдини олиш ва ҳал этиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, уларнинг билимини янада ошириш бўйича узлуксиз экологик таълим тизимини ривожлантириш асосий вазифалар қаторига киради.***

Бу борада "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди "ЭКОСАН – Барқарор ривожланиш йўлида" мақсадли дастури доирасида таълим муассасаларида мунтазам тадбирлар ташкил этиб келмоқда.

Навбатдаги тадбир Олмазор туманидаги 106-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатида "Табиат болалар кўз ўнгида" мавзуида бўлиб ўтди.

Эътиборлиси ўқувчиларнинг экология мавзусига бағишланган ижодий ишлари, бадиий чиқишлари ҳамда улар томонидан тувакларга экилган ранг-баранг гуллар кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда мактаб-интернат директори Жамолиддин Фозилов, "ЭКОСАН" фонди мутахассислари йиғилганларга атроф-муҳит муҳофазаси, табиатдан фойдаланиш, уни асраш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Ўқувчилар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов натижалари бўйича эса ғолиб ва совриндор ўқувчилардан – Улуғназар Мирназаров, Маҳмуд Ҳусанбоев, Асем Айдаркулова, Иброҳим Абдужалилов, Ўғилой Абдураимова, Шодиёна Эммирзаева, Жаҳонгир Содиқов, Рустам Тоиров, Малика Сейдраҳимова ҳамда кўргазма ташкилотчиси Доно Юлдашеваларга "ЭКОСАН" фондининг диплом ва совғалари топширилди.

Тадбир ўқувчилар томонидан педагоглар ёрдамида тайёрланган бадиий чиқишлар билан якунланди.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**"ЭКОСАН" халқаро хайрия жамоат фонди бўлим бошлиғи**

*Миробод тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# МИРОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2018 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда) ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 85-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 34-сон, 333-модда,) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2018 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2017 йил 28 сентябрдаги йиғилиш баёнини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 124 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 3149 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Бандликка кўмаклашувчи Миробод туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлик ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабр кўрган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари.

2. Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашувчи Миробод туман маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Миробод туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Ч.Азимов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Миробод туман ҳокимининг 2016 йил 21 октябрдаги "Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2017 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 508-сонли қарори 2017 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор расман эълон қилингандан 3 ой ўтгач кучга киради.

9. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirobod.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Миробод туман ҳокимининг ўринбосари А.Салайдинов зиммасига юклансин.

**Миробод тумани ҳокими**
**Ш.Пўлатов**

*2017 йил 27 октябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

